
ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ Марғилон шаҳридаги 4-оилавий поликлиника биноси жорий таъмirdан чиқарилиб фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Марғилон шаҳридаги 4-оилавий поликлиникада шаҳардаги 7 та маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи 24500 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Поликлиника биноси 2005 йилда жорий таъмirdан чиқарилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида поликлиникани жорий таъмирлаш таклифи ёлиб деб топилиб, 1 млрд 200 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ушбу маблағлар асосида поликлиника биноси тўлиқ таъмirdан чиқарилди. Шунингдек, лойиҳа доирасида поликлиника ҳудудида замонавий кўринишдаги мажлислар зали ҳам қуриб битказилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-03-20 16:44:35